

Эҳромнинг моҳияти

05:00 / 16.01.2017 3779

Эҳромнинг моҳияти – ҳаж ё умрани ёки бирданига ҳар иккисини ният қилган ҳолда талбия айтишдир. Эҳром учун фақат талбиянинг ўзи ёки фақат ниятнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки, намозга киришда дил билан ният қилиб, тил билан такбири таҳримани айтиш лозим ва шарт бўлганидек, ҳаж ёки умра учун эҳромга киришда ҳам ният ва талбия – иккови бирга бўлиши лозимдир. Шунга кўра, агар дилда ният қилса-ю, талбияни ёки унинг ўрнини босадиган бирор зикрни тили билан айтмаса, шунингдек, тили билан талбия ёки унинг ўрнига ўтадиган зикрни айтса-ю, лекин дилда ният бўлмаса, эҳромга кирган ҳисобланмайди.

("Раддул муҳтор").

Эҳром кийими

Эҳромнинг икки матоси (ридо ва лунги) аслида, эҳром эмас, балки у эркак кишининг эҳром ҳолатидаги кийими, холос. Авом кишилар мана шу кийимни эҳром деб атайдилар.

Ҳақиқатда эса, ҳаж ёки умранинг нияти ва талбияси биргаликда қўшилиб, эҳром дейилади.

Ҳаж ёки умрани ният қилиш билан талбия айтилган вақтда, эркак киши учун баданига мос тикилган кийим (масалан, кўйлак, иштон, қўлқоп, этик, маҳси, майка, камзул ва бошқалар) кийиш бутунлай манъ қилинган.

Агар эркак киши эҳром ҳолатида шу каби кийимларни кийса, унга жарима ёки фидя бериш лозим бўлади. Шунинг учун, эҳром кийими баданга мослаб тикилган бўлмаслиги, аниқроғи, ридо ва лунги бўлиши керак. Лунгини

белдан пастга боғлаб, ридони эса елкадан ташлаб олинади. Фақатгина тавоф вақтида изтибоъ қилинади, яъни ридо ўнг елкани очиқ қолдирган ҳолда ўралади.

("Муаллимул ҳужжож").

Эҳром ҳолатида тикилган лунги кийиш

Эркаклар эҳром ҳолатида баданга мослаб тикилган ёки ясалган кийим кийиши жоиз эмас. Лекин икки чети бир-бирига улаб тикилган, икки томони очиқ қоп шаклидаги лунгини кийиш жоиз. Чунки у баданнинг шаклига мослаб тикилган бўлмайди. Албатта, эҳром кийими бутунлай тикилмагани афзал ("Раддул муҳтор", "Муаллимул ҳужжож", "Имдодул фатово").

Бу нарса жуда кўп китобхонларга янгилик бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, иншааллоҳ, ҳаж тўғрисидаги мўътабар китобларга мурожаат қилиш билан қалблардаги шубҳалар тарқаб, тушунмовчиликлар бартараф бўлади, деган умиддамиз.

Эҳром матосига чўнтак қилмоқ

Эҳром ридоси ёки лунгисига пул, паспорт, билет ва бошқа нарсаларни сақлаш мақсадида чўнтак қилиш ва яна, эҳром матосига ямоқ солиш ва улаш ҳам бекароҳат жоиздир.

("Муаллимул ҳужжож").

Биринчи талбия қачон айтилади?

Икки ракъат эҳром намози адо этилиши биланоқ эҳромга кириш нияти билан талбия айтилади. Яъни, эҳром намози, эҳром нияти ва талбиянинг орасида узилиш бўлмаслиги керак. Агар жуда кўп узилиш бўлса, суннатга мувофиқ иш қилинмаган бўлади. Фуқаҳолар буни муҳим амаллар қаторида зикр қилганлар.

("Табйинул ҳақойиқ", "Мирқотул мафотиҳ").

Кўп талбия айтиш

Киши ҳаж ёки умра эҳромини боғлагандан кейин талбияни кўп айтмоғи мустаҳаб ва суннатдир. Юрганда, турганда, ўтирганда, ҳар қадам, ҳар вақт, ҳар онда талбия айтиб юрсин ("Ғунятун носик").

Ҳадисда айтилишича, энг афзал ҳаж – талбияси кўп бўлган ҳаждир.

("Сунани Термизий")

Ҳажнинг талбияси қачон тўхтатилади?

Ҳаж қилувчи киши Ақаба тошини отгунга қадар ҳажнинг талбиясини айтаверади. Ақаба тошини отиши биланоқ талбия айтишни тўхтатади. Тош отиш вақтида эса тош отиш дуосини, шунингдек, ундан кейин қайси амалларни адо қилса, ўша амалларнинг махсус дуоларини ўқийди.

("Базлул мажҳуд", "Эълоус сунан")

Умра талбияси қачон тўхтатилади?

Умра талбияси тавофни бошлаш вақтида тўхтатилиши керак.

("Умдатул Қори", "Маорифус сунан")

Ҳаж ёки умра учун ният қилиш эҳромга кираётган вақтда бўлиши шартми?

Эҳромга кириш ниятида талбия ёки унинг ўрнини босувчи бирор зикр айтган киши мутлақ эҳромга кирди, деб ҳисобланади. Яъни, киши эҳромга кираётган вақтида (эҳромнинг дуруст бўлиши учун) ҳаж ёки умрадан бирортасини ният қилган бўлиши шарт эмас. Балки, (ҳаж ёки умра ниятисиз ҳам) қилинган мутлақ эҳром нияти ҳамда айтилган талбия кишининг эҳромга кириши учун кифоя қилади. Кейинроқ (амалларни бошлашдан олдин) ҳаж ёки умрадан бирортасини ният қилиб олса, бўлди.

("Ғунятун носик").

Мубҳам ният билан эҳромга кириш

Эҳромга кирувчи киши ифрод ҳажи ёки умра, қирон ёки таматтуъ ҳажидан бирортасини тайин қилмай, яъни мубҳамлик билан эҳром боғлади. Бундай суратда у амалларни бошлашдан олдин улардан (умра, ифрод, қирон, таматтуъдан) бирортасини ўзи учун тайин қилиб олса, бўлаверади. Масалан, бир киши жамоат билан мийқотга келиб, уларни эҳром боғлаётганини кўргач, у ҳам эҳром боғлади. Лекин у ўзини қайси амал учун эҳром боғлаганини билмади. Сўнг йўлда кетаётган вақтида одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг мийқотдан ҳаж ёки умрадан қайси бири учун ният қилиб эҳром боғлаганларини билди. Бас, бу шахс учун амалларга киришишдан олдин ҳаж ёки умрадан бирини тайин қилиши ва шунга биноан арконларни адо қилиши дуруст бўлади.

Шунга ўхшаш яна бир мисол: киши мубҳам ният билан эҳромга киргач, амалларга киришишдан олдин ифрод ҳажи ёки умра, қирон ёки таматтуъ ҳажидан бирортасини тайин қилмади. Байтуллоҳга етиб келгач, у умра нияти билан тавоф қилса ёки мутлақ тавоф қилса, яъни бу тавофда умрани ҳам ният қилмаса, бу иккала суратда умра тайин топиб, унинг зиммасига умра арконларини адо этиш лозим бўлади. Борди-ю, ҳеч қандай тавоф

қилмай, тўғри Арафотга жўнаса, унда ҳаж тайин топиб, ҳаж арконларини адо этиш унга лозим бўлади.

("Ал-масолик фил маносик", "Мабсут", "Ғунятун носик").

Собиқ ният билан эҳромнинг дуруст бўлиши

Агар бирор киши ватанидан ҳажни ирода(ният) қилиб йўлга отланса ва мийқотда ниятсиз эҳромга кирса, бу ҳолатда унинг ватандан жўнаётган чоғидаги ирода(ният) қилган ҳаж эътиборга олинади, яъни унинг бу эҳроми ҳаж учун деб ҳисобланади.

("Ғунятун носик").

Мутлақ ҳаж эҳроми

Зиммасига ҳаж фарз бўлган киши эҳромга кириш вақтида фарз ҳаж учун эмас, балки мутлақ ҳажга ният қилса ҳам, унинг эҳроми фарз ҳаж учун боғланди, деб ҳисобланади. Агар у ўзининг фарз ҳажини аввал адо қилган бўлса, бу эҳром нафл ҳаж учун бўлди, деб саналади. Чунки, мутлақ ният билан нафл ҳаж саҳиҳ бўлаверади.

("Ал-масолик фил маносик").

Фоида. Масалада келтирилган "мутлақ ният"дан мурод фарз ёки нафл деб тайин қилинмаган ҳаж ниятидир. Шунга кўра, зиммасига ҳаж фарз бўлган киши эҳромга кириш вақтида фарз ҳаж учун эмас, балки нафл ҳажга ният қилса, унинг эҳроми нафл ҳаж учун бўлади.

("Маносики Мулло Али Қорий").

Эҳромга киришда бошқа кишининг ниятига таяниш

Бир киши ҳаж ёки умранинг усул ва қоидаларини билмагани сабабли бирор (биладиган) одамни ўзига йўлбошчи қилиб ҳамда унга таяниб: “Фалони нима деб эҳром боғлаган бўлса, мен ҳам ўшани боғладим” деса (ваҳоланки, фалонининг қайси амалга ният қилганини билмайди) ва у киши билан бирга юриб, у нима амал қилса, бу ҳам ўшани бажарса, унинг эҳроми ҳам, ҳажи ёки умраси ҳам дуруст бўлаверади.

("Ғунятун носик").

Ҳажжатул-вадоъда ҳазрати Али розияллоҳу анҳу Ямандан Маккаи мукаррамага келганлар ва мийқотда эҳромга кираётиб ҳаж ёки умрадан бирортасини ҳам тайин қилмай: “Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайси нарсага эҳром боғлаган бўлсалар, у менинг ҳам эҳромимдир” деб ният қилганлар.

("Саҳиҳи Бухорий").

Эҳромга кириш чоғи ният ва талаффузда ихтилоф бўлса,

Агар киши эҳромга кириш вақтида умрани ният қилса-ю, лекин тили билан “Мен ҳажни ирода қиламан” деб юборса, ёки ҳажни ният қилиб, эҳромга кираётган чоғида тили билан “Мен умрани ирода қиламан” деса ҳамда ўша нияти билан талбия айтса, бу суратда тил билан айтилган нарса эмас, балки қалбдаги ният эътиборга олинади.

("Ғунятун носик").

Ҳаж ё умра ёки қирондан қайси бирига эҳром боғлаганини эсдан чиқариш

Бир киши ҳаж, умра ёки қирондан бирини тайин қилиб эҳромга кирса-ю, кейин булардан қайси бирига эҳром боғлаганини эсдан чиқарса ёки шак-шубҳага борса, бу суратда унга хаёлини жамлаб, ҳаж, умра ёки қирондан бирининг тарафига ғолиб гумон пайдо қилиш лозим бўлади.

Мабодо, гумони бирор тарафга ғолиб бўлмаса, у эҳтиётан қирон ҳажи қилувчига ўхшаб амал қилиши, яъни, мана шу эҳром билан аввал умра, кейин ҳажни адо этиши лозим. Лекин унга қирон ҳажининг шукр қурбонлиги вожиб бўлмайди, чунки у фақатгина амалий жиҳатдан қирон ҳажи қилувчидир, шаръий жиҳатдан эмас.

("Ал-масолик фил маносик", "Ғунятун носик").

Балоғатга етмаган боланинг эҳроми

Балоғатга етмаган болалар икки хил бўлади: бири – балоғатга етмаган ва шу билан бирга намоз, рўза, ҳаж, закотни ҳам билмайди, ундайлар ғайри мумаййиз (фойда ва зарарни ажрата олмайдиган) дейилади. У бола тарафидан унинг онаси, отаси ёки у билан бирга бўлган бошқа валийси ҳаж ёки умрани ният қилади; яна бир бола – балоғатга етмаган бўлса-да, намоз, рўза, ҳажни билади. Балоғатга етмаган бу боланинг ўзи эҳром боғлайверади. Унинг тарафидан бошқанинг ноиблиги дуруст эмас. Лекин иккала балоғатга етмаганнинг ҳажи ҳам фарз ҳаж эмас, балки нафл ҳаж деб ҳисобланади ва унинг савоби ота-онасига бўлади.

("Шарҳи Маонил Осор", "Ғунятун носик").

Балоғатга етмаганга эҳромнинг каффорати йўқ

Балоғатга етмаган бола эҳром ҳолатида қурбонлик ёки каффоратни вожиб қиладиган бирор иш қилиб қўйса, у ғайри мукаллаф (гуноҳ ёшига етмаган) бўлгани учун унга ҳам ва бу иш унинг валийси ёки жавобгари томонидан содир этилмагани учун уларга ҳам бирор каффорат ёки қурбонлик вожиб бўлмайди. Ҳа, албатта валий учун муносиб иш шуки, ўзи эҳромга кираётган вақтда болага ҳам эҳром кийгиздирсин ва имкони борича эҳромда манъ қилинган нарсалардан уни муҳофаза қилишга ҳаракат қилсин.

("Ғунятун носик").

Балоғатга етмаган болага таматтуъ ёки қирон қурбонлиги йўқ

Балоғатга етмаган бола таматтуъ ёки қирон ҳажи қиладиган бўлса, унга таматтуъ ёки қирон ҳажининг шукр қурбонлиги лозим бўлмайди.

("Ғунятун носик")

Эҳромли кишига манъ қилинган ишлар ва уларнинг каффоратлари

Аллоҳ таоло айтади:

لَا يَجُوزُ عَلَيْكَ الْحُلُمُ وَأَنْ تُرَىٰ بَعْدَ الْحُلُمِ عَلَيْكَ الْعَمَلُ ۚ

لَا يَجُوزُ عَلَيْكَ الْحُلُمُ وَأَنْ تُرَىٰ بَعْدَ الْحُلُمِ عَلَيْكَ الْعَمَلُ ۚ

لَا يَجُوزُ عَلَيْكَ الْحُلُمُ وَأَنْ تُرَىٰ بَعْدَ الْحُلُمِ عَلَيْكَ الْعَمَلُ ۚ

لَا يَجُوزُ عَلَيْكَ الْحُلُمُ وَأَنْ تُرَىٰ بَعْدَ الْحُلُمِ عَلَيْكَ الْعَمَلُ ۚ

لَا يَجُوزُ عَلَيْكَ الْحُلُمُ وَأَنْ تُرَىٰ بَعْدَ الْحُلُمِ عَلَيْكَ الْعَمَلُ ۚ

لَا يَجُوزُ عَلَيْكَ الْحُلُمُ وَأَنْ تُرَىٰ بَعْدَ الْحُلُمِ عَلَيْكَ الْعَمَلُ ۚ

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг шиорларига (диннинг асосларига, аломатларига, ҳаж учун жорий қилган амр ва тақиқларига ҳамда

бажарилиши шарт бўлган аҳкомларига), ҳурматли (муқаддас) ойга, (Аллоҳга аталган) қурбонликка, тақинчоқ-нишонларга – нишона тақилган (қурбонлик)ларга ва Раббиларидан мўл неъмат (тижорат) ва ризо тилаган ҳолда Байтул Ҳаромга қараб келувчиларга (зинҳор) ҳурматсизлик қилманглар. Эҳромдан чиққан вақтингизда (хоҳласангиз) ов қилаверинглар”.

(Моида, 2-оят).

Эҳром ҳолида манъ қилинган ишлари жуда кўп. Улардан энг муҳим 3 тасини зикр қиламиз. Ундан кейин турли жиноятлар ва улар учун бериладиган каффоратларнинг ҳукми зикр қилинади.

Бит ўлдириш

Эҳром ҳолатида бит ўлдириш манъ қилинган. Агар ўлдирилган битлар учтадан кам бўлса, киши ўзи рози бўлиб хоҳлаганича садақа қилади. Агар учтадан зиёда бўлса (ҳар қанча кўп бўлса ҳам), фақат бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) берса, кифоя.

Шаръий усулга биноан, инсон танасида пайдо бўладиган ҳашаротларни эҳромли ҳолатда ўлдириш таъқиқланган. Бит ҳам шулар жумласидандир.

("Фатҳул Қадийр", "Ғунятун носик")

Кана ва чивин ўлдириш

Баданда пайдо бўлмайдиган ҳамда улардан инсонларга бирор озор этадиган кана, чивин ва пашшага ўхшаш ҳашаротларни эҳром ҳолатида ўлдириш жоиз. Буларни ўлдириш туфайли ҳеч қандай жарима ҳам лозим эмас.

("Ғунятун носик", "Аҳкоми ҳаж").

Чумоли ўлдириш

Эҳром ҳолатида чақадиган чумолини ўлдириш бекароҳат жоиз ва уни ўлдириш билан бирор жарима лозим бўлмайди. Бироқ, чақмайдиган ва озор бермайдиган чумолини ўлдириш манъ қилинган бўлиб, макруҳдир. Шундай бўлса-да, уни ўлдирган кишига ҳам бирор каффорат лозим эмас.

("Ғунятун носик")

Чигиртка ўлдириш

Ҳарами шарифда чигиртка жуда кўп учрайди. Киши иложи борича уни ўлдириб қўйишдан сақланиши зарур. Агар бирор киши учтагача чигиртка ўлдириб қўйса, ўзи рози бўлиб хоҳлаганича садақа қилади. Бир ривоятда бундай суратда бир чигиртка эвазига бир дона хурмо беради, дейилган. Агар тўрт ёки ундан зиёд чигиртка ўлдирса (мингтадан ошиб кетса ҳам), унда бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) берса, кифоя.

("Фатхул Қадийр", "Ғунятун носик")

Сафардошлар билан жанжаллашиш

Ҳаждаги кишининг одамлар билан жанжал қилиши, сўкишиши ёки фаҳш сўзларни гапириши улкан гуноҳдир. Гарчи, бу номаъқул ишлар туфайли унга жарима ҳам лозим бўлмайди, ҳажи ҳам фосид бўлмайди, лекин ҳаж учун бериладиган савобдан маҳрум қолади.

("Ғунятун носик").

Аёли билан ўпишиш ва қучоқлашиш

Агар эркак киши эҳром ҳолатида шаҳват билан аёлини ўпса ёки қучоқласа, инзол бўлиш ва бўлмаслигидан (маний келиш ва келмаслигидан) қатъий назар, бу икки суратда ҳам жаримасига бир қўй ёки эчки қурбонлик қилиши вожиб бўлади. Яна, агар аёлида ҳам шаҳват пайдо бўлса, унга ҳам алоҳида бир қурбонлик вожиб бўлади.

("Фатово Тоторхонийя", "Фатово ҳиндийя").

Соч олдириш

Эҳромдаги киши сочининг тўртдан бири ёки ундан кўпроғини қирдирса ёки қисқартирса, жаримасига бир қўй ёки эчки сўйиши лозим бўлади. Агар олинган соч тўртдан бирдан кам бўлса, унда жарима сифатида бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериши лозим бўлади.

("Фатҳул Қадийр").

Соқол қирдириш ёки қисқартириш

Ҳожи эҳромдан чиқадиган вақт бўлишидан олдин соқолини тўлиқ ёки тўртдан бир қисмини ёхуд ундан ортиғини қирдирса ёки қисқартирса, бир қурбонлик қилиши лозим бўлади, агар тўртдан бир қисмдан камроқ бўлса, жаримасига садақа (ярим соъ буғдой) бермоқ вожиб бўлади.

("Фатҳул Қадийр").

Қўлтиқ остидаги тукларни тозалаш

Эҳром ҳолатида битта қўлтиқ туклари тозаланса ҳам, иккала қўлтиқ туклари тозаланса ҳам, жаримасига бир қурбонлик вожиб бўлади.

("Бадойиъус санойиъ", "Фатҳул Қадийр", "Фатово ҳиндийя").

Киндик остидаги тукларни тозалаш

Эҳром ҳолатида киндик ости тукларини тозалаган кишига бир қурбонлик сўйиши вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Бир вақтда соч, соқол ва бутун бадандаги тукларни тозалаш

Эҳромли киши бир вақтнинг ўзида сочи, соқоли ҳамда қўлтиқ ва киндик ости тукларини тозаласа, ҳаммасининг эвазига бир қурбонлик сўйиши вожиб бўлади. Агар мазкур тукларни турли вақтларда тозаласа, унда ҳар бир вақт учун алоҳида-алоҳида қурбонлик қилиш лозим бўлади.

("Муаллимул ҳужжож").

Иккита-учта тукни юлиш

Агар ҳожи эҳромли ҳолатда сочи ё соқоли ёки қўлтиқ ости ёхуд киндик остидан иккита-учта тукни юлса, жаримасига бир ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини берса, кифоя. Агар юлинган туклар учтадан кўп, лекин ўша аъзодаги умумий тукларнинг чорак қисмидан камроқ бўлса, у ҳолда ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини садақа қилиш лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Мўйлабни олиш

Киши эҳром ҳолатида мўйлабини олса (хоҳ ҳаммасини олсин, хоҳ баъзисини), жаримасига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериши лозим

бўлади.

("Ғунятун носик")

Соч, соқол, қўлтиқ ости ва киндик остидан бошқа аъзоларнинг тукини тозалаш

Эҳром ҳолатида сочи, соқоли, қўлтиқ ости ва киндик остидан ташқари баданидаги бирор аъзосининг (масалан: қўл, оёқ, кўкрак, елка) тукини қисман ёки мукамал тозалаган ҳожига жарима сифатида ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини садақа қилиш лозим бўлади.

("Ғунятун носик", "Муаллимун ҳужжож")

Тирноқ олиш

Эҳромдаги ҳожи бир қўли ё бир оёғи ёки иккала қўли билан иккала оёғи, яъни тўртала аъзосининг тирноғини бир вақт ва бир маконда олса, унга жарима сифатида фақат бир қурбонлик вожиб бўлади. Аксинча, тўрт аъзосининг тирноғини тўрт вақт ва тўрт жойда олса, у ҳолда тўрт қурбонлик лозим бўлади. Агар ҳожи бирор аъзосининг тирноғини мукамал олмаса (ҳаттоки, ҳар аъзодан тўртта-тўрттадан қилиб жами ўн олтита тирноқ олган бўлса ҳам), унга қурбонлик сўйиш эмас, балки ҳар бир тирноқ эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериш лозим бўлади.

("Бадойиъус санойиъ", "Фатово Тоторхонийя", "Фатово ҳиндийя")

Тикилган кийим кийиш

Эркак кишининг эҳром ҳолатида баданга мослаб тикилган кийим (масалан: кўйлак, иштон, қўлқоп, этик, маҳси, майка, камзул ва бошқалар) кийиши бутунлай манъ қилинган.

Агар эркак киши эҳромли ҳолатда шу каби кийимларни тўлиқ бир кеча-кундуз ёки энг ками бир кундуз миқдорича (яъни, 12 соат) кийса ё бир неча кун кетма-кет (орада ечмай) кийиб юрса, бундай суратларда унга бир қурбонлик лозим бўлади. Кун бўйи кийиб юрган кийимини эртаси куни ҳам кийиш ниятида кечқурун ечиб, эрта бўлгандан кейин қайта кийиб олса, бундай суратда ҳам бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади. Агар кундузи кийиб юрган кийимини ҳозир киймайман, лекин эртадан кейин кияман, деган ниятда ечса, сўнг уни ўзи айтганидек эртадан кейин яна кун бўйи кийиб юрса, у ҳолда икки қурбонлик лозим бўлади.

Агар бир кеча ёки бир кундуздан кам, лекин бир соатдан ортиқ кийса, бир садақа лозим бўлади. Агар бир соатдан кам кийса, унда бир-икки ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини садақа қилиш кифоядир.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож")

Эгнига тикилган кийим ташлаб олиш

Ҳожи эҳром ҳолатида кўйлак, чопон ва шу каби кийимларни кийиши жоиз эмас. Лекин унинг кўйлак ёки чопонни киймай, ёпинчиққа ўхшатиб эгнига ташлаб олишлигида бирор зарар йўқ. Чунки буни "кийим кийиш" деб айтилмайди. Кийимни фақат кийишгина манъ қилинган ҳамда жаримани вожиб қилувчидир. Худди шундай, ёпинчиқ ёки бирор матони устига ташлаб олиш (ўраниб олиш) ҳам бекароҳат жоиздир.

("Ғунятун носик").

Хушбўй суртиш

Эҳром ҳолатидаги киши (у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл) ихтиёрий ёки беихтиёр ёхуд бировнинг мажбурлаши билан бадани ёки кийимига хушбўй суртса, унга жарима лозим бўлади. Шунга биноан, боши, юзи, болдири,

сони, билагы, қўли ва шу каби каттароқ аъзоларидан бирига ёки биттадан зиёдасига хушбўй суртган кишига жарима сифатида жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Уни хоҳ кун бўйи суркаб юрсин, хоҳ бир оздан сўнг ювиб ташласин, фарқи йўқ.

Агар хушбўйни бурун, оғиз атрофи, кўз, бармоқ ва шу каби кичик аъзоларга суртган бўлса, у ҳолда ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини садақа қилиш лозим бўлади.

("Муаллимул ҳужжож").

Хина қўйиш

Эҳром ҳолатида кафти ёки оёғига хина қўйган аёлга жарима сифатида бир қурбонлик сўйиш лозим бўлади.

("Муаллимул ҳужжож").

Атир дўконига кириш

Эҳромли киши атир дўконига кирса-ю, бироқ бадани ёки кийимига хушбўй сурмаса, унга бирор жарима лозим бўлмайди. Албатта, ҳидлаш нияти билан у ерга кириш макруҳ, лекин унда ҳам бирор каффорат лозим эмас.

("Муаллимул ҳужжож")

Бош ёки юзни беркитиш

Эҳром ҳолатида аёлларнинг бош ёпишлари нафақат жоиз, балки лозимдир. Эркак киши эса бошини ҳам, юзини ҳам беркитиши мумкин эмас. Шунинг у учун тўлиқ бир кун ё бир кеча, ёки бир кундуз миқдорича, яъни

12 соат (хоҳ билиб, хоҳ билмасдан) бошини ёки юзини ёпса, қурбонлик қилиши лозим бўлади. Агар бир кун ёки бир кечадан кам, лекин бир соатдан кўпроқ бўлса, (ярим соъ буғдой) садақа қилиши вожиб. Агар бир соатдан кам бўлса, унда бир-икки ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини берса, кифоя. Мазкур ҳукм боши ё юзини мажбурланиб ёпган ёки ухлаб ётганида устига бирор нарса (кийим ёки ёпинчиқ) ташлаб қўйилган кишига ҳам тегишлидир.

("Фатҳул Қадийр")

Бош ёки юзнинг тўртдан бир қисмини ёпиш

Эҳромли киши боши ёки юзининг тўртдан бир қисмини ёпиб юрса, унинг ҳукми бутун боши ёки юзини ёпганга ўхшашдир. Шунга биноан, агар у бир кундуз (12 соат) боши ёки юзининг тўртдан бир қисмини ёхуд ундан ортиқ ҳиссасини беркитиб юрса, қурбонлик лозим бўлади. Агар ёпишлик мазкур миқдордан кам ва бир соатдан кўпроқ бўлса, бир садақа вожиб бўлади. Борди-ю, бир соатдан кам бўлса, бир-икки ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини садақа қилса, кифоя.

("Ғунятун носик").

Бош ёки юзнинг чорак қисмидан камини ёпиш

Агар эҳромдаги киши боши ёки юзининг тўртдан бир қисмидан камроқ ҳиссасини кун бўйи (12 соат) ёки ундан зиёда вақтгача ёпиб юрса, унга бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериш вожиб бўлади. Шунингдек, бош ёки юзни ёпишлик бир кундан кам ва бир соатдан ортиқ бўлса ҳам, ўшани (бир садақа) бериш лозимдир.

("Ғунятун носик").

Ухлаётган пайтда бош ёки юзга ёпинчиқ ташлаб олиш

Ухлаётган вақтида боши ёки юзига бирор ёпинчиқ ташлаб олган эҳромли киши каффорат бериши лозим бўлади.

Агар эҳромдаги киши ухлаётган вақтида боши ёки юзининг тўртдан бири ёки ҳаммасини 12 соатгача ёпиб ётса, жаримасига бир қурбонлик (қўй ёки эчки) сўйиши вожиб бўлади. Агар боши ёки юзи 1 соатдан 12 соатгача ёпиқ турса, бир садақа (ярим соъ буғдой) бериши вожибдир. Агар 1 соатдан кам бўлса, бир-икки ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини садақа қилса, кифоя. Худди шундай, агар бирор киши ухлаб ётган эҳромли кишининг боши ёки юзини ёпиб қўйса ёки ўзи беихтиёр ёпиб ётса, бу иккала суратда ҳам зикр қилинган муддатга қараб қурбонлик ёки садақа лозим бўлади.

Баъзи ҳожиларнинг Муздалифа ва Минода эҳром ҳолатида ухлаганда бошлари ёки юзларини ёпиб ётганларини кўриш мумкин, бундай қилиш катта хатодир. Шунинг учун бунга аҳамият бериш зарур.

("Ғунятун носик", "Фатҳул Қадийр")

Ҳарам ҳудудидаги ўт-ўлан ва дарахтларни кесиш ёки юлиш

Ҳарам ҳудудидаги дарахт ва ўт-ўланларни кесган ёки юлган кишига жарима сифатида унинг қийматини садақа қилиши вожиб бўлади.

("Ғунятун носик")

Ҳарам ҳудудида ов қилиш

Ҳарам ҳудудида эҳромли кишининг ҳам, эҳромсиз кишининг ҳам ов қилиши манъ қилинган. Агар киши Ҳарам ҳудудидаги ов жониворини ўлдирса, унинг қийматини садақа қилиши вожиб бўлади. Шунинг ёдда тутиш керакки, агар эҳром ҳолатидаги киши Ҳарам чегарасидан ташқаридаги ов жониворини ушлаб сўядиган бўлса ҳам, у ўлимтик ҳукмида бўлади. Уни ейиш бирор кишига ҳалол бўлмайди ва жаримасига унинг қийматини

садақа қилиши вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Қайси турдаги ҳайвонларни ўлдириш жоиз?

Ҳар қандай киши учун (у хоҳ эҳромли ҳолатда бўлсин, хоҳ эҳромсиз) қуйида номлари келтирилган 11 турдаги ҳайвонни Ҳарам ҳудудида ҳам ўлдириш жоиз бўлиб, уларни ўлдиришда бирор жарима лозим бўлмайди. Улар жумласига илон, чаён, калтакесак, сичқон, калхат, гўнғарға, қутурган ит, чивин, чақадиган чумоли, бурга ва ҳамла қиладиган ҳар қандай ёввойи ҳайвонлар киради.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож").

Ҳаж қачон фосид бўлади?

Ҳаж учун эҳромга киргач, Арафотда туришдан олдин аёли билан жимоъ қилган кишининг ҳажи фосид бўлади, зиммасига бир қурбонлик (қўй ёки эчки) ҳам вожиб бўлади. Бундай ҳолатга тушган киши агар жимоъдан кейин иккинчи бор ҳаж эҳромини боғлаш учун вақти бўлса, арафа кечаси тугашидан олдин эҳром боғлаб, Арафотда вуқуф қилиб олса, (иккинчи бор ҳаж эҳромини боғлаб вуқуф қилгани учун) ҳажи дуруст бўлади. Бу киши гўё ўша йилнинг ўзидаёқ ҳажининг қазосини адо этгандек бўлади, бироқ унинг зиммасидаги қурбонлик соқит бўлмайди.

Агар ўша ҳаж мавсумида вақт топа олмаса, унда бошқа ҳожиларга ўхшаб ҳажнинг арконларини давом эттириб, бажараверади ва унга келаси йилларда ўша ҳажининг қазосини адо этмоғи ҳамда бир қурбонлик сўйиши лозим бўлади.

("Ҳидоя").

Умра қачон фосид бўлади?

Умра тавофини бошлашдан олдин аёли билан жимоъ қилиб қўйган кишининг умраси фосид бўлади ва унинг зиммасига бир умранинг қазоси ҳамда бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади. Агар у иккинчи бор эҳром боғлаб, умра қилса, бу - фосид бўлган умранинг қазоси, деб ҳисобланади, лекин бу билан қурбонлик унинг зиммасидан соқит бўлмайди.

("Ҳидоя").

Қачон каффоратга бадана лозим бўлади?

Бадана деб етти қисмга бўлиш мумкин бўлган йирик жониворлар: туя, мол ва қўтосни айтилади.

Каффорат сифатида бадана фақат ҳаждаги баъзи жиноятлар учун вожиб бўлади, умрадаги бирор жиноят учун бадана вожиб бўлмайди.

1. Ҳаж қилаётган киши Арафотдаги вуқуф (туриш)дан кейин, аммо соч олдириш ва тавофи зиёратдан олдин аёли билан қўшилиб қўйса, мазҳаббошимиз Имом Аъзам раҳимаҳуллоҳ наздларида жаримасига бадана қурбонлик қилиши вожиб бўлади, лекин унинг ҳажи фосид бўлмайди. Қолган уч имом: имом Молик, имом Шофеъий ва имом Аҳмад раҳимаҳумуллоҳ наздларида эса, агар Арафотда вуқуф қилгандан кейин то тош отгунча бўлган вақт оралиғида аёли билан жимоъ қилса, ҳажи фосид ҳам бўлади, зиммасига бадана ҳам вожиб бўлади ("Бадойиъус санойиъ", "Ғунятун носик").

2. Жунуб ҳолатида (хоҳ эркак, хоҳ аёл) тавофи зиёрат қилса, жаримасига бадана вожиб бўлади.

3. Аёл киши ҳайз ёки нифос ҳолатида тавофи зиёрат қилса, жаримасига бадана вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").